

Давлат фуқаролик хизматчилари учун навбатдаги сиёсий маърифат соати бўлиб ўтди



Ҳафтанинг жума кунлари доимий тарзда ўтказиб келинаётган “Сиёсий маърифат соати” ўқув машғулотининг навбатдаги онлайн машғулотлари бўлиб ўтди.

Ўқув машғулотини Термиз тумани ҳокимлиги кичик мажлислар залидан туман ҳокимлиги аппарат ходимлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари онлайн кузатиб беришди.

Ушбу ўқув соатида спикерлар томонидан Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларнинг устувор йўналишлари, ҳуқуқий саводхонлик (ҳафта давомида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти), “Бир чимдим” маънавият, шунингдек, Ўзбекистон ва хориждаги муҳим жараёнлар ҳақида маълумот берилди.

Ўқув соатини You Tubeда ушбу ҳавола орқали томоша қилишингиз мумкин.